

**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Янгибоев Ҳ.А.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ  
қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

**Аннотация:** Ушбу мақолада бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундиришни такомиллаштириш орқали солиққа тортиш механизми самарадорлигини оширишга эътибор қаратилган. Иқтисодий субъектларнинг самарали ва тежамкор фаолиятини рағбатлантириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад ва фойдани кўпайтиришдан манфаатдорлигини ошириш, бюджетни солиқ тушумлари билан тўлдиришга ундовчи мослашувчан механизмни яратиш баён этилган. Бевосита солиқларни ҳисоблаш методикасининг ишлаб чиқилиши, солиқлар ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ҳисоблаш, ундириш, солиқ тизими, механизм, такомиллаштириш, фойда солиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги, айланмадан олинадиган солиқ.

**Аннотация:** В данной статье основное внимание уделяется повышению эффективности механизма налогообложения за счет совершенствования исчисления и сбора прямых налогов. Констатируется стимулирование эффективной и рентабельной деятельности хозяйствующих субъектов, повышение заинтересованности юридических и физических лиц в увеличении доходов и прибыли, создание гибкого механизма, стимулирующего наполнение бюджета налоговыми поступлениями. Даны рекомендации по развитию методики исчисления прямых налогов, совершенствованию механизма налогов и налогообложения.

**Ключевые слова:** прямые налоги, косвенные налоги, исчисление, взимание, система налогообложения, механизм, совершенствование, налог на прибыль, налог на доходы физических лиц, налог с оборота.

**Annotation:** This article focuses on improving the efficiency of the taxation mechanism by improving the calculation and collection of direct taxes. Stimulation of efficient and cost-effective activity of economic entities, increase of interest of legal entities and individuals in increasing income and profit, creation of a flexible mechanism encouraging to fill the budget with tax revenues is stated. Recommendations were given on the development of the method of calculating direct taxes, the improvement of the mechanism of taxes and taxation.

**Keywords:** direct taxes, indirect taxes, calculation, collection, tax system, mechanism, improvement, profit tax, personal income tax, turnover tax.

## **1.Кириш.**

Жаҳон мамлакатлари амалиётида иқтисодий ривожланиш босқичларига боғлиқ ҳолда бевосита ва билвосита солиқлардан фойдаланиб келинмоқда. Аксарият ривожланган мамлакатлар солиқ маъмурчилигига бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Европа Иттифоқига кирувчи иқтисодий ривожланган мамлакатлар давлат бюджети, асосан, бевосита солиқлар ҳисобига тўлдирилади». [2021] Жаҳон амалиётида солиққа тортишда бевосита солиқлар улушининг юқорилиги уларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини янада такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда бевосита солиқларни ҳисоблаш ва ундиришни такомиллаштириш орқали солиққа тортиш механизми самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий субъектларнинг самарали ва тежамкор фаолиятини рағбатлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг даромад ва фойдани кўпайтиришдан манфаатдорлигини ошириш, бюджетни солиқ тушумлари билан тўлдиришга ундовчи мослашувчан механизмни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар орқали бевосита солиқларни ҳисоблаш методикасининг ишлаб чиқилиши, солиқлар ва солиққа тортиш механизмининг такомиллашуви, халқаро стандартлар амалиётга жорий этилиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ва солиқ ҳисоботларининг мувофиқлашуви каби жараёнларни самарали ташкил этиш мухим вазифалардан ҳисобланади.

## **2.Адабиётлар шарҳи.**

Солиқларни гурухларга ажратиб, уларнинг моҳиятини ёритиш энг аввало, Европа мамлакатларида шаклланган. Шу сабабли айрим адабиёт ва тадқиқотларда солиқларнинг тарихий ривожланиш жараёнига ҳамда рус тилидаги талқинига мослаб таржима қилинишига қараб бевосита солиқларни - тўғри солиқлар ва билвосита солиқларни - эгри солиқлар деб ифодалаш учраб туради. Мантиқан қаралганда, солиқларни иқтисодий моҳиятига кўра гурухлаганда ҳар иккала тушунча ҳам мазмун-моҳиятига, ҳам қўлланилишига кўра бир хил маънони англатгани боис, солиқларни гурухлаганда уларни «тўғри» ёки «бевосита» деб номлаш унчалик аҳамиятли эмас. Чунки тўғри солиқлар деганда ҳам, бевосита солиқлар деганда ҳам айни бир гурух солиқлар тушунилади.

Мамлакатда солиқларнинг бевосита ва билвосита солиқларга бўлиниши солиқка тортиш объекти, солиқ тўловчилар билан мамлакатнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Тўғридан-тўғри фойдага ва мол-мулкка қаратилган солиқлар - бевосита солиқлардир.

Бевосита солиқларнинг ставкалари оиширилса, ривожланиш имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланишни сусайтиради. Демак бу гурӯҳ солиқларнинг ставкалари тўғридан – тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлангандир.

Умуман олганда бевосита ва билвосита солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисининг ставкасини оширишни талаб этади.

Ўрта асрлардан эътиборан ҳозирги вақтга қадар ҳам солиқларни гурӯхлашга доир энг йирик қарашлардан бири – уларни иқтисодий моҳиятига кўра тўғри (бевосита) ва эгри (бильвосита) солиқларга ажратиб ўрганилади.

Солиқларни «бевосита ва билвосита солиқлар тарзида таснифлашга дунёда биринчи марта англиялик файласуф Д.Локк (1632-1704) томонидан 1692 йилда асос солинган.

У барча солиқлар, шу жумладан истеъмол солиқлари охир оқибат ер эгасининг зиммасига тушади» [1824] деган хulosани берди. Локкнинг таъкидлашича, савдогар ва барча воситачилар (даромадини қўшиб) маҳсулотни қўлдан қўлга ўтказиб солиқларни охирги истеъмолчидан ундирадилар. Истеъмолчи ишчи, бундай катта солиқ юкини кўтаролмайди, шунинг учун солиқ тўловларни камайтиришни талаб қиласди.

Агар солиқ тўловлари шу ҳолатда қолдирса, ишчилар ўзини-ўзи боқа олмай қолади ва унинг таъминоти кейинчалик барibir ер эгасига тушади. Бу эса ўз навбатида ер эгасининг кўчмас мулкига солиқ солиш даражасининг ошишига сабаб бўлади, натижада ер эгаси зарар билан ишламаслиги учун ерни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Агар йил охиригача ернинг эгалари бўлмаса солиқни ким тўлайди? Мамлакатда ер эгасидан ташқари савдогар ва воситачилардан солиқ ундириш имкони бўлмаса, унда ер эгасига соф даромаддан келиб чиқиб, ер солиги тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш хуқуқини бериш керак ёки ернинг ижара тўловини қисқартириш йўли орқали солиқ юкини кўтариш керак [1824]

– деб ҳисоблаган.

Джон Локк «тўғридан тўғри ундириладиган солиқни – directly охирги (истеъмолчи)га тушадиган солиқларни билвосита солиқлар экан деган хulosага

келган. Натижада солиқлар бевосита солиқлар – direct taxes ва билвосита солиқларга бўлинган». [1919]

Шундай қилиб Д. Локк томонидан таклиф қилинган солиқларнинг иқтисодий таснифи дастлабки тартибга солиш мезонига асосланган эди.

А.Смитнинг фикрича «Билвосита солиқлар харажатлар таркибиға киришини, тадбиркорлик фойдаси ҳамда иш ҳақи солиғи бевосита солиқлар эканлигини асослашда биргаликда бозор шароитининг монополлашуви натижасида товар баҳосининг бир қисми гарчи у тадбиркор (савдогар)нинг фойдаси бўлсада нархнинг монопол даражада ўрнатилиши ҳисобига солиқ оғирлиги сифатида сотиб олувчининг зиммасига, яъни билвосита солиқ сифатида тушишини изоҳлайди» [2007] - деб таърифлаган.

Немис файласуф Ф.Якобининг (1743-1819) фикрича «тўғри солиқ бу тўғридан-тўғри тўланиши керак бўлган шахслардан олинадиган солиқлар, билвосита солиқлар эса бу солиқ тўловини бошқалар тўлайдиган солиқдир» [1917] - деб таърифлаган.

Рус иқтисодчиси И.Гашенконинг қайд этишича, солиқларнинг иқтисодий таркиби давлатнинг ривожланиш даражасига, унинг молиявий-иктисодий ҳолатига, ижтимоий муносабатлар шаклларига таъсир қиласи. Давлат бюджетига ундирилган солиқ турларининг таркиби, эволюцияси давлатнинг ривожланиш даражасини баҳолаш имконини беради. Агар солиқ тизимида билвосита солиқлар устунлик қиласа, бу давлат иқтисодий жиҳатдан ривожланмаганлигидан далолат беради. «Агар солиқ тизимида тўғри солиқлар устун бўлса (биринчи навбатда, фуқароларнинг даромад солиғи), бу ҳолат давлатнинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи энг муҳим белги бўлиб хизмат қиласи» [2010] - деб таърифлаган.

И.А.Майбуров ва А.М. Соколовскаяларнинг фикрича «солиқлар қайта тиклаш даражасига кўра бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Бевосита солиқлар - бу жуда кам қайта тикланадиган солиқлар бўлиб, улар бевосита солиқ тўловчининг даромади ёки мулкидан олинади». [2020]

Рус иқтисодчиси В.Г. Пансков ҳам «солиқларни бевосита ва билвосита солиқларга бўлинишини кўрсатиб ўтган». [2021]

Э.Гадоев, Н.Қўзиева, Н.Ашуррова, Ж.Ўрмоновлар «солиқларни бевосита ва билвосита солиқларга бўлиниши бўйича қуйидагиларни эътироф этишган, солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Бевосита солиқлар тўғридан тўғри солиқ тўловчининг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади». [2013]

Б.Кодировнинг фикрича «мамлакат иқтисодиётининг юксалиш истиқболлари корхона ва ташкилотларнинг фаолиятига боғлиқ экан, бу тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига самарали таъсир этишнинг

иқтисодий воситаси сифатида бевосита ва билвосита солиққа тортишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасида амалда ислоҳотларнинг янги босқичида эркин ва шаффоғ бозор иқтисодиётини шакллантириш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб айни пайтда, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда солик воситасининг, шу жумладан бевосита ва билвосита солиққа тортишнинг аҳамияти муҳимдир». [2020]

Иқтисодчилар К.Хотамов ва З.Қурбоновларнинг фикрича, «Бугунги кунда Ўзбекистонда ва халқаро амалиётда ҳам солиқлар иқтисодий моҳиятига ва характерига қараб асосан икки гурухга, яъни бевосита ва билвосита солиқларга бўлиб ўрганилмоқда». [2015]

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети даромадлар манбани шакллантиришда бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни белгиловчи меъёрларни аниқлаш муаммоси асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бизнинг фикирча бевосита солиқлар – юридик ёки жисмоний шахсларнинг фойдаси ёки даромадига, мол-мулкига, табиий бойликлардан қазиб олганига, фойдаланганига, ишлаб чиқарганига, иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатларига белгиланиб, солик тўловчининг даромадидан ёки фойдасидан бевосита давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий бегараз тўловидир.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, бевосита солиқларнинг ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштиш бўйича иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Бевосита солиқларнинг ҳисоблаш ва ундириш бўйича назарий масалалар умумлаштирилди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гурухлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хуроса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Бевосита солик тўловчилар – зиммасига белгиланган солиқларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳисобланади.


Юридик ва жисмоний шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган бевосита солиқларнинг ҳисобланиши ва тўланиши тартибини ўрганиб чиқсак.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида бевосита солиқларнинг турига қўйидаги солиқлар киради:

1. «Фойда солиғи;
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
3. Айланмадан олинадиган солиқлар;

Билвосита солиқлар мамлакатимиз бюджети учун улкан даромад манбаи бўлиб, узоқ йиллардан буён унинг ҳиссаси давлат бюджетининг даромадлари қисмида катта улушга эга бўлиб келган, 2021 йилда улуши – жами 56 290,5 млрд.сўм ташкил этган бўлса, бевосита солиқларнинг улуши – 58 930,4 млрд. сўм ташкил этган.

2012-2021 йилларда жами мамлакатимиз бюджети даромадларининг ичидаги солиқ тушумларининг энг юқориси – 2017 йилда 52,6 фоизи билвосита солиқлар билан боғлиқ бўлган бўлса, 2021 йилга келиб, бевосита солиқларнинг улуши – 35,8 фоизни ташкил этган. (1-расм).



**1-расм. 2012-2021 йилларда бюджетнинг даромадлар манбаида солиқлар улуши, фоизда<sup>1</sup>.**

Охирги уч йилда яъни 2019 йилдан бошлаб, билвосита солиқлар улуши – 41,4 фоизга тушган бўлса, бевосита солиқлар 28,2 фоизга кўтарилилган, 2020 йилдан бошлаб, билвосита солиқлар улуши – 34,9 фоизга тушган бўлса, бевосита солиқлар 34,0 фоизга кўтарилилган. 2021 йилдан бошлаб, билвосита солиқлар улуши – 34,2 фоизга тушган бўлса, бевосита солиқлар 35,8 фоизга кўтарилилган, 2021 йилдан бошлаб бевосита солиқларнинг улуши давлат бюджетининг даромадлари қисмида энг катта улушга эга бўлиб келаётганлигини кўриш мумкин.

<sup>1</sup> Расм Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал

**2022 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси  
бюджетга солиқ турлари бўйича тушуми таҳлили<sup>2</sup>**

01.01.2023 йил ҳолатига

млрд.сўм

№	Солиқ тури номи	2022 йил январь- декабрь ойлари тушум	Ўтган йилга нисбатан		
			2021 йил январь- декабрь ойи тушум	Фарқ (+;-)	ўсиш, %
I.	Республика бўйича жами	148 388,2	127 970	20 418	116%
	шу жумладан:				
II.	Солиқлар бўйича	134 249,1	120 318	13 931	112%
1	Қўшилган қиймат солиги	32 812,1	25 572	7 240	128%
2	Акциз солиги	13 077,2	12 779	298	102%
3	Айланмадан олинадиган солиқ	2 512,7	1 649	863	152%
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	24 284,5	18 918	5 367	128%
5	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	37 649,9	38 363	-713	98%
6	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	13 887,4	15 812	-1 925	88%
7	Мол-мулк солиги	4 015,4	2 457	1 558	163%
8	Ер солиги	5 305,9	4 083	1 223	130%
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	704,1	684	20	103%
III .	Солиқсиз тушумлар бўйича	14 139,1	7 653	6 486	185%
1	Давлат божи	2 717,9	2 180	537	125%
2	Жарималар	1 518,4	1 153	366	132%
3	Йигимлар	1 534,1	2 069	-535	74%
4	Бошқа тушумлар	8 368,7	2 250	6 118	372%

<sup>2</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2022 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бюджетга солиқ турлари бўйича тушуми таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

2023 йил 1 январь холатига давлат бюджетига барча солиқ турлари бўйича 2022 йилда 148 388,2 млрд.сўм даромад келиб тушган бўлса 2021 йилда бу кўрсатгич 127 970,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб 2022 йилда 116 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2023 йил 1 январь холатига давлат бюджетига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича 2022 йилда 37 649,9 млрд.сўм даромад келиб тушган бўлса 2021 йилда бу кўрсатгич 38 363,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб 2022 йилда 98 фоизга пасайган, 2023 йил 1 январь холатига давлат бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 2022 йилда 24 284,5 млрд.сўм даромад келиб тушган бўлса 2021 йилда бу кўрсатгич 18 918,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб 2022 йилда 128 фоизга ошган, 2023 йил 1 январь холатига давлат бюджетига айланмадан олинадиган солиқ бўйича 2022 йилда 2 512,7 млрд.сўм даромад келиб тушган бўлса 2021 йилда бу кўрсатгич 1 649,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб 2022 йилга нисбатан 152 фоизга ошган, умуман олганда бевосита солиқларнинг ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштишга давлат томонида катта эътибор берилиб келмоқда.

2-жадвалда эса Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон Конунига асосан 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари прогнози ўз аксини топган.

## **2-жадвал**

### **2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари прогнози<sup>3</sup>.**

<b>T/ р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b> <b>млрд сўм.</b>
	<b>Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари</b>	<b>183 442,8</b>
<b>1.</b>	<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>47 127,1</b>
1.1 .	Фойда солиғи	37 140,4
	шундан, «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятлари бўйича	16 518,1
1.2 .	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	9 986,7

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон Конунига 4-ИЛОВА.

<b>2.</b>	<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>84 515,5</b>
2.1 .	Кўшилган қиймат солиги	63 775,4
2.2 .	Ақциз солиги	13 988,1
2.3 .	Божхона божи	6 752,0
<b>3.</b>	<b>Ресурс тўловлари</b>	<b>14 780,1</b>
3.1 .	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик	14 780,1
<b>4.</b>	<b>Дивидендлар</b> (дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган фойда солигини ҳисобга олмаган ҳолда)	<b>29 532,2</b>
	шундан, «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятлари бўйича	25 532,2
<b>5.</b>	<b>Бошқа даромадлар ва солик бўлмаган бошқа тушумлар</b>	<b>7 448,0</b>

Бунга асосан 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари 183 442,8 млрд сўм этиб белгиланган. Бевосита солиқлар

47 127,1 млрд сўм, билвосита солиқлар 84 515,5 млрд сўм ресурс тўловлари 14 780,1 млрд сўм, дивидендлар (дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган фойда солигини ҳисобга олмаган ҳолда) 29 532,2 млрд сўм ва бошқа даромадлар ва солик бўлмаган бошқа тушумлар эса 7 448,0 млрд сўм бўлишилиги прогноз қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Солик ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812-сони қонунига асосан қуидаги тоифадаги солик тўловчилар учун фойда солиги ставкасини 50 фоизга пасайтириш ҳуқуки берилди.

**А)** биринчи марта фойда солигини тўлашга ўтган айланмадан олинадиган солик тўловчиларга - солик тўловчи солик тўлашга ўтган йилдан кейинги битта солик даври давомида жами даромади 10 миллиард сўмдан ошмаган бўлса солик ставкасини 50 фоизга пасайтиришга ҳақли бўлди;

Мисол: **2022 йилнинг 1 октябрида** фойда солигини тўлашга ўтган солик тўловчи, 2023 йилда унинг жами даромади 10 млрд сўмдан ошмаган тақдирда, солик тўловчи 2023 йил (1 йил) давомида фойда солигини 7,5 фоиз ставка бўйича тўлашга ҳақли бўлади.

**Б)** жорий солик даври давомида жами даромади биринчи марта 10 миллиард сўмдан ошган солик тўловчиларга - башарти пасайтирилган солик

ставкаси қўлланадиган солик даврларида жами даромади 100 миллиард сўмдан ошмаган бўлса, жорий солик даври ва кейинги солик даври давомида.

Бунда мазкур солик тўловчилар солик базасини соддалаштирилган тартибда жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида белгилашга хақли.

Мисол: **2023 йилнинг 9 ойи якунларига** кўра солик тўловчининг жами даромади биринчи марта 10 млрд сўмдан ошди. Солик тўловчининг 2023 ёки 2024 йилдаги жами даромади 100 млрд сўмдан ошмаса, у 2023 йил учун 7,5% миқдоридаги ставкани қўллаган ҳолда фойда солифини тўлайди ва 2024 йилда (2-йил) пасайтирилган ставкани (7,5%) қўллайди.

Пасайтирилган солик ставкаси ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ва акциз солифини тўловчиларга нисбатан, шунингдек солик тўловчи тугатилган ва (ёки) пасайтирилган солик ставкасини қўллаш учун солик тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадларини икки ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ўртасида тақсимлаш (бўлиш) далиллари аниқланган тақдирда қўлланилмайди.

Фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидентлар дивиденд қўринишидаги даромадлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган пасайтирилган солик ставкасини қўллашга хақли эканини назарда тутувчи аниқлаштириш киритилди. Дивидендлар қўринишидаги даромадлар бўйича солик солиш масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бир нечта пасайтирилган солик ставкаси назарда тутилган бўлса, уларнинг энг паст бўлгани қўлланилади.

2022 йилда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидент тасарруфида солик тўланганидан кейин қоладиган соф фойда дивидендларга тенглаштирилган ва унга 10 фоиз миқдоридаги солик ставкаси бўйича солик солиниши лозим бўлган.

2023 йил 1-январдан бошлаб норезидентнинг монтаж қилиш ва (ёки) ишга тушириш-созлаш хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни кўрсатишни назарда тутувчи асбоб-ускуналарни сотиб олиш (сотиш) учун ташқи савдо контракти доирасида, кўрсатиладиган хизматлар қиймати алоҳида кўрсатилмаса, у ҳолда норезидентнинг солик солинадиган даромади бундай хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиқиб аниқланади (илгари-асбоб-ускуналар қийматининг 20 фоизи бўлган).

Солик бўйича аванс тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани солик органларига тақдим этиш муддатига ўзгартириш киритилди. Хусусан, 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб солик тўловчи ушбу маълумотномани жорий чоракда олиниши кутилаётган фойда суммасидан келиб чиқиб кейинги чоракдаги биринчи ойнинг 15-санасигача (илгари 10-санасигача) тақдим этишга хақли.

Жисмоний шахслар ўз даромадларини ипотека кредитларини сўндиришга йўналтирганда, бир вақтнинг ўзида турар жой қиймати (илгари 300 млн сўм бўлган) бўйича талабни бекор қилган холда, жисмоний шахслар даромад солиги бўйича солик солинмайдиган даромад суммаси 15 млн сўмдан меҳнатга хақ тўлашнинг энг кам микдорининг 80 бараваригача (ёки 73,6 млн сўм) оширилди.

Қонунга асосан айланмадан олинадиган солик асосий ставкалари солик тўловчиларнинг барча тоифалари учун 4 фоиз микдоридаги ягона ставкаси белгилаган. Дорихона фаолияти учун, бориш қийин бўлган ва тоғли худудларда жойлашган солик тўловчилар учун пасайтирилган солик ставкалари 1 фоиз микдорида, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган корхоналар учун - 2 фоиз микдорида (шу жумладан, электрон тижорат) ва аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда – 3 фоиз микдорида сақлаб қолинди.

2023 йилдан бошлаб айланмадан олинадиган солик тўловчилар ихтиёрий асосда қатъий белгиланган микдорда солик тўлашни танлашга хақли. Бунда жами даромад суммаси 500 миллион сўмдан ошмаганда йилига 20 миллион сўм қатъий белгиланган микдордаги солиқни, жами даромад суммаси 500 миллион сўмдан ошганда эса йилига 30 миллион сўм тўлашни танлаш хуқуки берилди. Солик даври мобайнида қатъий белгиланган суммада солик тўлашга ўтишда, солик микдори қатъий белгиланган суммани 12 га бўлиш ва олинган натижани жорий солик даври охиригача қолган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Солик даври мобайнида қатъий белгиланган суммада солик тўловчининг жами даромади 500 миллион сўмдан ошган тақдирда, қатъий белгиланган суммадаги солик суммаси у ошган ойдан бошлаб жорий солик даври охиригача, 500 миллион сўмдан ортиқ жами даромадга эга солик тўловчилар учун белгиланган солик ставкасидан келиб чиқсан ҳолда қайта ҳисобланади. Солик даври мобайнида қатъий белгиланган суммада солик тўлашдан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишда қатъий белгиланган суммадаги солик ушбу солиқларга ўтилган охирги календарь ойни хисобга олган ҳолда тўланиши лозим.

Айланмадан олинадиган солик тўловчиларга қатъий белгиланган микдорда тўланадиган дивиденdlарга фойда солиги ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солинмайди. Бунда ихтиёрий ёки мажбурий тартибда ҚҚС тўлашга ўтишда бундай солик тўловчиларга ҚҚС билан харид қилинган товарлар қолдиқлари бўйича ҚҚСни хисобга олиш хуқуки берилмайди.

## **5. Хулоса ва таклифлар:**

Бевосита солиқлар ставкаси нафақат тадбиркорларни фойда олиш орқали уларни рағбатлантиришнинг зарурий даражасини таъминлаши, шу билан бирга мамлакат бюджети даромадлари ва инвестициялар оқими ўсишини ҳам таъминлаши лозим. Шунинг учун бунда тадбиркорлик фаолиятини ташкил

этишга солиқ тұловчилар қизиқишиларини йүқотилиши олиб келиши мүмкін бўлган тадбиркорлик субъектлари даромадларини маълум чегарасини бузмаслик талаб этилади.

Бевосита солиқларни бизнинг фикримизча, Бевосита солиқлар – юридик ёки жисмоний шахсларнинг фойдаси ёки даромадига, мол-мулкига, табиий бойликлардан қазиб олганлига, фойдаланганлига, ишлаб чиқарганлига, иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тұлашга доир харажатларига белгиланиб, солиқ тұловчининг даромадидан ёки фойдасидан бевосита давлат бюджетиг ёки давлат мақсадли жамғармасига тұланадиган мажбурий беғараз тұловидир.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини корпорация солиғига ўзgartирилиши ва ушбу солиқ механизмида муайян ўзгаришларни амалга ошириш лозим ҳамда илғор хориж тажрибасини ижобий томонларини мамлакатимиз солиққа тортиш тизимида фойдаланиш мақсадда мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бевосита солиқларнинг ҳисоблаш ва ундириш методикасини ишлаб чиқиш мақсадда мувофиқдир.

Бевосита солиқларнинг ҳисоблаш ва ундириш механизмини рақамлаштириш асосида таколмиллаштиришни таклиф этамиз.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

1. Тихонова А.В. К вопросу о выборе приоритетных подходов в налогообложении населения // Налоги и налогообложение. – 2021. – №4. – С.19-35. DOI: 10.7256/2454-065X.2021.4.35020 URL: [https://nbpublish.com/library/read\\_article.php?id=35020](https://nbpublish.com/library/read_article.php?id=35020)
2. John Locke Some Considerations of the Consequences of the Lowering of Interest and the Raising the Value of Money. 1692. (Collected Works. 1824.) 88-93 бетлар
3. Кулишер И.М. Очерки финансовой науки. Вып.1. - Петрофад: Наука и Школа, 1919. - 121 бет.
4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М: Эксмо, 2007. - 357 бет.
5. Озеров И.Х. Основы финансовой науки. - 5-е изд. Вып.1. Учение об обыкновенных доходах. -М.: тип. т-ва И.Д. Сытина, 1917. - 251-252 бетлар.
6. Гаращенко И.В. Развитие прямого налогообложения в налоговой системе России: теория и практика. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ростов-на-Дону, 2010. 26-27бетлар.
7. Майбуров И.А. Теория налогообложения./ И.А.Майбуров, А.М. Соколовская. – М.: ЮНИТА-ДАНА, 2020.-591 с.
8. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика. Учебник. Москва: Юрайт, 2021-393с.
9. Юридик шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. / Э.Гадоев, Н.Құзиева, Н.Ашуррова, Ж.Үрмөнов. Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2013.-616 б.
10. Кодиров Б. К. Жаҳон инқирози шароитида бевосита ва билвосита солиқлар асосида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш йўллари. Иқтисод ва молия / экономика и финансы 2020, 3(135).
11. Хотамов К., Қурбонов З. Солиқлар таҳлилини такомиллаштириш масалалари. //«Biznes-Эксперт» илмий-амалий, иқтисодий ойлик журнали. : №8(92)-2015.